



## ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛА БЕШЛИГИНИ ЎРНИ

**Умматов Мамарасул Турсунович**

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

**Муслихиддинов Шерзоджон Ғуломжон ўғли**

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8374934>

Қонуннинг устуворлиги ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас тамойилларидан бири бўлиб, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари қонун устуворлиги таъминланиши асосида жорий этилади. Қонунда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади.

Бугунги кунда Мамлакатимизда кейинги йилларда жамиятимизга дахлдор барча масалаларда маҳалланинг иштирокини таъминлаш, уни энг халқчил ҳамда одамлар дарди ва ташвиши билан яшайдиган тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқароларни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганиб, унга зарур ечим топиш, оилалардаги низоларни бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда жиноятчиликни барвақт аниқлаб, унинг олдини олиш каби масалаларда маҳалланинг роли тобора ортиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18-февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳаллаинститутини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу Фармон билан аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида уларга юклатилган, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини такрорловчи, ортиқча ва хос бўлмаган вазифа ҳамда функциялар қисқартирилди ва “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди<sup>1</sup>. Аммо қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар, чора-тадбирлар ва бошқа “Йўл хариталари” қанчалик мукамал

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 2013-йил 22-апрелдаги ЎРҚ-350-сонли қонунининг ЎЗР қонун ҳужжатлари тўплами, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон. Янги таҳрири.



бўлмасин, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда ижроси қўйи тузилмаларда, айниқса, маҳаллаларда тўлиқ таъминланмаса, фақатқонун ҳужжатларидагина белгиланган, аммо ижроси амалиётга самарали йўналтирилмаган тартиб-қоидаларнинг жамиятга ҳам, одамларга ҳам ҳеч қандай фойдаси тегмайди. Шу боис барча маҳаллаларда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни тўлиқва самарали жорий этилишини таъминлаш учун фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг ўз лавозим мажбуриятларини сифатли бажаришларини тизимли йўлга қўйиш зарур<sup>2</sup>.

Ушбу ишларни самарали ташкил этиш мақсадида маҳаллаларда бешлик ташкил этилиб, бешлик таркиби: маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаолиларидан ташкил топган.

Ушбу бешлик маҳалларда жиноятчиликни олдини олишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур. Шу сабабли ушбу бешликни фаолияти механизминини самарали ташкил этиш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

Биринчидан, маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимининг механизмларини тўлиқ назарда тутган ҳолда “Е-жамоат хавфсизлиги” ахборот тизимининг “Ижтимоий профилактика” модулини яратсин ва амалиётга татбиқ этилмоқда;

Иккинчидан, маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисининг “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллада жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этиш учун ягона ҳисобот шакллари ишлаб чилмоқда<sup>3</sup>.

Ушбу амалга оширилаётган ишларни барчаси қўйидаги ижобий ишларни амалга оширишга хизмат қиладиб

Биринчидан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

Иккинчидан, ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда

<sup>2</sup> Ганиев Ф. “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни жорий этишда фуқаролар йиғинларинини фаолиятини тизимли йўлга қўйиш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 96-98.

<sup>3</sup> Электрон манба: <https://regulation.gov.uz/oz/d/79676>. Муурожаат вақти: 21.09.2023 й.



ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

Учинчидан, “республика — вилоят — туман — маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

Тўртинчидан, маҳаллани ушбу ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 2013-йил 22-апрелдаги ЎРҚ-350-сонли қонунининг ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон. Янги таҳрири.
2. Ганиев Ф. “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни жорий этишда фуқаролар йиғинларини фаолиятини тизимли йўлга қўйиш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 96-98.
3. Электрон манба: <https://regulation.gov.uz/oz/d/79676>. Муурожаат вақти: 21.09.2023 й